

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22 март 2018 й.г. № 211

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Халқаро сифат стандартлари ва фойдаланиш хавфсизлигига  
жавоб берадиган темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқаришни  
таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

“Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3221-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги 948-сон қарорининг ижроси юзасидан, темир йўл маҳсулотининг халқаро сифат стандартлари ва темир йўлда ташишлар хавфсизлигига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги 122-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари рўйхатига илова\*га мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, темир йўл маҳсулотини мажбурий сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг “Темир йўл маҳсулотини сертификатлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси ва “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги белгиланган тартибда аккредитациядан ўтган идоравий мансуб синов ва сертификатлаштириш марказлари томонидан амалга оширилади.

3. «Ўзбекистонтемир йўллари» АЖ “Темир йўл маҳсулотини сертификатлаштириш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан тақдим қилинадиган буюртмалар бўйича темир йўл маҳсулотларини синовдан ўтказиш мақсадлари учун «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг идоравий мансуб ташкилотларининг синов лабораторияларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминласин.

4. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

5. Ушбу қарор 2019 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Рамагов, Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи Д.Б.Ахмедов ҳамда «Ўзстандарт» агентлиги бош директори А.У. Каримов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А.Арипов**

-----  
\* Илова рус тилидаги матнда берилган.